

## **ДАЗМОЛ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?**



*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий  
ходими*

**Гўзалҳон Валиева**

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи кўргазмалар залида ота-боболаримиз томонидан ишлатилган дазмолларга қўзингиз тушади, демакки ота-боболаримиз ўша даврларда ҳам ораста бўлиб юриш учун харакат қилганлар.

Инсонният эгнига кийадиган кийим-кечакларни силлиқ ва текис ораста кўриниши учун асрлар мобайнида изланиб нималар қилинмаган дейсиз ? Хозирги кунда хар-бир хонадонда ишлатиб келинаётган ва кундалик эхтиёжга айланган ихчам, қулай ҳамда автоматик тарзда ишлатиладиган дазмолнинг пайдо бўлгунига қадар, инсонлар кундалик турмушда ишлатган кийим-кечак ва бошқа уй-рўзгор буюмларини текислашнинг ҳар турли усусларини ўйлаб топишган. Масалан тахта ўқловни эслатувчи мосламалар текис тошларни устига матоларни ёйиб қўйиб лаппак тахтacha ёрдамида уриб дазмолланган. Рўзгорда ишлатиладиган дазмоллар кумир ёки ўтин чўғида қиздирилган, плита устига қўйиб қиздириладиган турлари ҳам мавжуд. Кўмир ва ўтин чўғда қиздириладиган дазмолларга печканинг мўрисини эслатувчи мослама ўрнатилган ,у чўғни яхши ёниши учун хизмат қилган. Кейинчалик дазмоллар четидан тешиклар очилган, бу тешиклар чўғни узоқ сақлаш вазифасини бажарган.

Дазмол сўзи эл орасида ўтлуг деб аталиб бу кейинчалик рус тилидаги утюг атамасига асос бўлган. Аслида дазмол ибораси форсча даст-қўл, мола-текислаш сўzlари бирикмасидан келиб чиққан.

Чўяндан ишланган бундай дазмоллар асосан Ўрта Осиёда 19-18 асрларда кенг тарқалган. Электр кувватини кашф этилиши эндиликда

дазмолларни ҳам электр енергияси ёрдамида қиздириш имкониятини берди ва ўтмишдаги қийинчиликларга барҳам бериб, дазмоллаш ишлари енгиллаштирилди. Дастрекки электр дазмоллари металдан ясалган.корпус қиздириш элементи бўлган спирал ва шнурдан иборат бўлган. Кейинчалик электр дазмолларга иссиқлик даражасини ўзгартириб берувчи терморостлагич (терморегулятор) мосламаси ўрнатилган. Хозирги кунда эса замонавий электр дазмоллардаги маҳсус идишчаларга сув қуйиб уни парга айлантириб матога пуркайдиган хиллари ишлатилмоқда. Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг тарих бўлими залларида ҳам юқоридаги дазмоллардан айримларини яъни 1972 йилда Агаликова Патиша томонидан олиб келинган пар дазмол кўргазмага қўйилган. Дазмол асоси учбурчак шаклида чўяндан тайёрланганлиги учун оғир. Дазмол очилиб ёпилади чунки у ичига чўғ солиб фойдаланишга мўлжалланган, банди ёғочдан бўлиб, таг қисмida иссиқдан сақловчи мослама ўрнатилган, орқа томонида кичик тешиги бор, қопқоғида тутун чиқиш учун мослаштирилган кувурчаси мавжуд. Ушбу дазмол чор Россиясига қарашли заводда тайёрланган бўлиб, Ўзбекистонга савдо йўллари орқали кириб келган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Ўзбекиддин миллий энциклопедияси 5-тон
- 2.Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъат китоби
- 3.Интернет саҳифалари
- 4.Архив.уз
- 5.[www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) [www.kasu.uz](http://www.kasu.uz)



**Ilim fan taraqqiyotida raqamlı iqtisodiyot va  
zamonaliviy ta'limning o'rni hamda rivojlanish omillari**

